

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-декабрь ойларида Бухоро вилоятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) нинг ҳажми 30 758,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 101,8 фоизга тенг бўлди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМнинг шаклланишида Бухоро вилоятининг кўшган ҳиссаси 5,3 фоизга етди.



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари


		Млрд. сўм		2019 йил январь-декабрга нисбатан, % да
		2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	
	I. ЯҲМ	27 377,8	30 758,1	101,8
	<i>шумжумладан:</i>			
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	25 172,2	29 709,4	101,7
	Маҳсулотларга соф солиқлар	2 205,6	1 048,7	102,1
	II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	25 172,2	29 709,4	101,7
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	11 171,0	13 786,4	101,5
	Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	6 865,2	7 702,1	103,6
	саноат	4 953,5	5 373,8	100,6
	қурилиш	1 911,7	2 328,3	111,4

		Млрд. сўм		2019 йил январь-декабрга нисбатан, % да
		2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	
	Хизматлар	7 136,0	8 220,9	100,3
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 855,0	2 209,2	103,4
	ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	1 425,8	1 592,3	102,3
	бошқа хизмат тармоқлари	3 855,2	4 419,4	98,0

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 15 892,4 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизга юқоридир.



Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва мутлақ ўсиш суръатлари



Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,6 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,4 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 46,4 фоизни, саноат тармоғининг улуши 18,1 фоизни, қурилиш соҳасида 7,8 фоизни ва хизматлар соҳаси 27,7 фоизни ташкил қилди.




Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби (жамига нисбатан % да)

		2019 йил	2020 йил
	I. ЯҲМ	100,0	100,0
	<i>шумладан:</i>		
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	91,9	96,6
	Маҳсулотларга соф солиқлар	8,1	3,4
	II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100,0	100,0
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	44,4	46,4
	Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	27,3	25,9
	саноат	19,7	18,1
	қурилиш	7,6	7,8
	Хизматлар	28,3	27,7
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	7,4	7,4
	ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	5,7	5,4
	бошқа хизмат тармоқлари	15,2	14,9




Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби
(жамига нисбатан % да)


2019 йил




2020 йил



ЯХМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 101,5 фоиз (ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши – 46,4 фоиз), саноатда – 100,6 фоиз (18,1 фоиз), қурилишда – 111,4 фоиз (7,8 фоиз), хизматлар соҳасида – 100,3 фоизни (27,7 фоиз) ташкил этди.



ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлақ ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2020 йил январь-декабрга ЯҲМ дефлятори индекси 2019 йил январь-декабрдаги нархларга нисбатан 110,4 фоизни ташкил этди. ЯҲМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 121,6 фоиз ва хизматларда – 114,9 фоиз қайд этилди.

ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси
(ўтган йилга нисбатан % да)

